

**ОИЛА-ТУРМУШ ДОИРАСИДА СОДИР ЭТИЛАДИГАН  
ХУҚУҚБУЗАРЛИКЛАРНИНГ ВИКТИМОЛОГИК  
ПРОФИЛАКТИКАСИДА ЖАБРЛАНУВЧИ ХУЛҚ-АТВОРИНИНГ  
АХАМИЯТИ**



**ТОҒАЕВА МОҲИДИЛ  
НУРМУҲАММАТОВНА**

*Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси  
Хуқуқбузарликлар профилактикаси ва криминология  
кафедраси ўқитувчиси*

**Аннотация:** Мақолада оила-турмуш доирасида содир этиладиган хуқуқбузарликларнинг виктимологик профилактикасида жабрланувчи хулқ-атворининг ўзига хос жихатлари хамда хуқуқбузарликлардан жабрланишига олиб келишида хулқ-атвортининг муҳим жихатларини чуқурроқ тахлил қилиш масалаларига алоҳида эътибор берилган.

**Таянч сўзлар:** жабрланувчи, хуқуқбузарликлар содир этилишдаги хулқ-атворт, хуқуқбузарликларнинг содир этилиш механизмида жабрланувчининг роли, жиноятларнинг қурбонлари, виктимологик профилактика .

**ЗНАЧЕНИЕ ПОВЕДЕНИЯ ПОТЕРПЕВШЕГО В  
ВИКТИМОЛОГИЧЕСКОЙ ПРОФИЛАКТИКЕ ПРАВОНАРУШЕНИЙ В  
СФЕРЕ СЕМЕЙНО-БЫТОВЫХ ОТНОШЕНИЙ.**

**Аннотация:** В статье особое внимание уделяется специфическим особенностям поведения потерпевшего в виктимологической профилактике правонарушений, совершаемых в сфере семейно- бытовых отношений, а также вопросам более глубокого анализа важных аспектов поведения, способствующего становлению жертвой от правонарушений.

**Ключевые слова:** потерпевший, поведение при совершении правонарушений, роль потерпевшего в механизме совершения правонарушений, потерпевшие от преступлений, виктимологическая профилактика.

Виктимологик профилактиканинг муҳим масалаларидан бири-бу шахснинг жабрланувчи бўлиб қолишига имкон берган омилларни аниқлашдан иборат. Чунки ушбу саволга жавоб топмасдан туриб, шахсларнинг

хуқуқбузарликлардан жабрланишини олдини олишга қаратилған чоратадбірларни амалға ошириш мүмкін әмас.

Шахсга қарши жиноятларнинг 60% оила-турмуш муносабатлари доирасыда содир этилади.Хусусан оила-турмуш муносабатлари доирасыда қасдан одам ўлдириш; ўзини ўзи ўлдириш даражасига етказиши(2020 йилда 900 та аёл ўз жонига қасд қылған); қасдан баданга енгил,ўртача оғир ва оғир шикаст етказиши, қийнаш; ўлдириш ёки зўрлик ишлатиш билан қўрқитиши; номусга тегиши; жинсий эҳтиёжни зўрлик ишлатиб ғайритабиий усулда қондириши; аёлни жинсий алоқа қилишга мажбур қилиши; аёлни эрга тегишига мажбур қилиши ёки унга тўсқинлик қилиши; зўрлик ишлатиб ғайриқонуний равишда озодликдан маҳрум қилиши; ҳақорат қилиши; безорилик жиноятлари ва бошқа жиноий хатти-харакатлар содир этилмоқда.[1]

Илмий тадқиқотларда ижтимоий муносабатлар жараёнида юзага келиши мүмкін бўлган объектив ва субъектив омиллар шахсни хуқуқбузарликлардан жабрланишига олиб келиши ҳамда ушбу омиллар “шахсда виктимликни” келтириб чиқариши мумкинлиги тўғрисида турли хил мазмундаги мунозаралар илгари сурилган.[2]

Жабрланувчининг хуқуқбузарликлар содир этишдаги хулқ-атвори баъзан шу қадар салбий хусусиятга эга бўладики, процессуал жиҳатдан уни жабрланувчи деб эътироф этишни савол остига қўяди. Аммо виктимология фани учун бундай жабрланувчи алоҳида қизиқиш уйғотовувчи тадқиқот объектидир. Негаки жабрланувчи иштирокидаги жиноят механизмини тўлиқ тушуниш учун, яъни аниқ қriminogen вазиятнинг вужудга келишида, кечишида ва унинг якунида жиноят содир этган шахс ва жабрланган шахс қандай хулқ-атворда бўлганликларини аниқлаш муҳим ҳисобланади.[3]

Л.В.Франк жиноятчи ва жабрланувчини ўзаро ҳаракат қилувчи шерик субъектлар сифатида тасвирлаган эди, яъни жиноят “*бирининг ҳаракати бошқасининг ҳаракатсизлиги, бирининг ҳаракатсизлиги бошқасининг ҳаракати туфайли вужудга келиши*” каби. Негаки, олимнинг ёзишича: “баъзи ҳолатларда қурбон жиноятчини шакиллантиради, уни “тарбия” қиласи ва унинг оёққа туришига хизмат қиласи. Жабрланувчи сукунат орқали қурбон бўлишига тайёрлигини намоён қиласи, жиноятчи билан боғланади ва уни жиноятга ундейди”[4].

Жиноятларнинг қурбонлари ҳақидаги тушунчалар илк бор немис ва америкалик олим Ганс Гентиг томонидан тадқиқ этилган. “Жиноятчи ва курбон ўртасидаги ўзаро муносабатлар бўйича эътиrozлар” деб номланувчи асарида олим жиноятчининг ва жабрланувчининг жиноятни содир этиш механизмидаги роли ва иштироки даражаси билан боғлиқ муаммоли масалаларни кўриб чиққанди.Унинг фикрича, жиноят-бу руҳий потологик ҳодиса бўлиб,

жабрланувчи- жиноий тажовузнинг нофаол объекти эмас балки унинг фаол субъектидир. Қурбон жиноятчи билан ўзаро динамик ҳаракатда бўлиб, жиноятни содир этиши жараёнига таъсир кўрсатади.[5]

**Хуқуқбузарликларнинг виктимологик профилактикасида жабрланувчи хулқ-авторининг аҳамиятини ўрганишда қуидагиларни таҳлил қилиш муҳим аҳамиятга эга:**

нума сабабдан айрим инсонлар бошқаларга нисбатан ҳуқуқбузарликларнинг қурбонига тез-тез айланадилар?

Оила-турмуш муносабатлари доирасидаги ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиши механизмида жабрланувчининг роли нималардан иборат?

жиноятчи ва жабрланувчи ўртасидаги криминологик муносабатлар қандай аҳамиятга эга?

ҳуқуқбузар шахснинг ижстимоий хавфлилик даражаси қай тарзда жабрланувчининг мойиллик даражасига боғлиқ бўлиши мумкин?

Шу нуқтаи назардан виктимологик профилактикада, шахснинг ўз хулқ-автори туфайли, жабрланувчига айланиб қолиши билан боғлиқ, вазиятларни олдини олиш, бартараф этиш, чораларини, ишлаб чиқилиши лозим.

Тажовузкор жабрланувчиларга нисбатан содир этиладиган жиноятлар профилактикасига оид чоралар. Ушбу тоифадаги шахсларга нисбатан виктимологик профилактика чораларини амалга оширишда жиноятларни профилактикасида қўлланиладиган барча тадбирлардан фойдаланиш лозим. Бунда салбий натижаларга олиб келадиган ҳолатларни бартараф этишни таъминлаш муҳим саналади. Профилактик чора-тадбирларни қўллашнинг тактик усуллари ичida потенциал жабрланувчига таъсир кўрсатувчи ҳар қандай воситалардан фойдаланиш, зарур ҳолларда уни жамиятдан ажратишгача бўлган амалларни қўллаш мақсадга мувофиқ ҳисобланади (бундай ҳолатлар кўпинча оила-турмуш соҳасидаги жиноятларга тааллукли). Таъсир кўрсатиш амаллари доимо шахсни тажовузкор ҳаракатларидан, шундай ниятларидан воз кечишига мажбур қилишга қаратилган. Бу ҳолатда турли даражада муваффакиятга эришиш мумкин, масалан: хусусий вазифани амалга ошириш – бу муайян вақтда ва муайян вазиятда шахснинг жиноят содир этишдан воз кечиши натижасига эришишдан, то шахсдаги мақсадларнинг ижобий томонга ўзгаришигача ва унинг кейинги хулқ-авторининг барқарорлашувигача бўлган жараёнларни қамраб олиши лозим. Агар жабрланувчи профилактик таъсир кўрсатиш натижасини ҳис этиб, ўзининг салбий хулқини танқидий руҳда баҳолай олса, бу ундаги руҳий ахволнинг ижобий томонга ўзгарганлигидан далолат беради.[6]

Оила турмуш муносабатлари доирасидаги жиноятлардан жабрланувчиларнинг хулқ-автори ва уларнинг криминологик хусусиятларини ўрганиш натижалари шуни кўрсатмоқдаки, уларнинг 47,1% жиноят содир

етилиш вақтида маст ҳолда бўлган, 31,4%-жабрланувчиларнинг ўзлари салбий-хулқ атворга эга бўлган, 21,5%-жиноят содир этишдан олдин ўзига нисбатан зўравонликни амалга оширган муқаддам судланган шахслар билан бевосита биргаликда спиртли ичимлик истеъмол қилишган.[7]

Олимларимиз томонидан билдирилган фикирларга қўшимча тарзида, оила-турмуш доирасида содир этиладиган ҳуқуқбузарликларни тахлил қилганимизда, баъзан жабрланувчининг жиноят содир этилишидаги хулқ-атвори шу қадар салбий ҳусусиятга эга бўладики, процессуал жиҳатдан уни жабрланувчи деб эътироф этишни савол остига қўяди. Шундай экан, аниқ криминоген вазиятнинг вужудга келишида, кечишида ва унинг якунида жиноят содир этган шахс ва жабрланувчининг қандай хулқ-атворда бўлганликларини аниқлаш муҳим аҳамиятга эга.

Мухтасар қилиб айтганда, оила-турмуш доирасида содир этиладиган ҳуқуқбузарликларнинг виктимологик профилактикасини амалга оширишда, жиноятлардан жабрланишда шахсларнинг хулқ-атворидаги салбий жиҳатларнинг ўрни муҳим аҳамиятга эга лигини инобатга олган ҳолда виктимологик профилактикани тизимли ташкил этилиши мақсадга мувофиқдир.

### **АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:**

1. Виктимология: Дарслик/Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2021.-140 б.
2. Исмаилов И, Абдурасурова Қ. Р.. Криминология. Махсус қисм. Дарслик – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВАкадемияси,2015.-Б.137.
3. Виктимология: Дарслик/Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2021.-14 б.
4. Франк Л.В. Потерпевшие от преступлений и проблемы советской виктимологии-Душанбе: 1977-С.5-6.
5. Виктимология: Дарслик/Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2021.-31 б.
6. Мухитдинов Ф.М. Виктим хулқ-атворга эга жабрланувчиларнинг виктимологик профилактикаси // Ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг долзарб X 53 муаммолари: назария, амалиёт ва қонунчилик таҳлили: Республика илмий-амалий конференция материаллари (2022 йил 31 март) / Масъул муҳаррир: ю.ф.д., проф. Қ.Р. Абдурасурова. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2022. – 79 б. .
7. Виктимология: Дарслик/Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2021.-143 б.